# ЖИСМОНИЙ ВА ЮРИДИК ШАХСЛАР – ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ РЕЗИДЕНТЛАРИ ТОМОНИДАН ХЎЛ МЕВА-САБЗАВОТ МАҲСУЛОТЛАРИНИ РЕСПУБЛИКА ТАШҚАРИСИГА ЧИҚАРИШНИНГ ВАҚТИНЧАЛИК ТАРТИБИ

*(Давоми. Боши 1-бетда).*

б) жўнатилаётган мева-сабзавот маҳсулотлари учун Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳудудий бўлинмаларидан фитосанитария сертификати олади. Бунда сертификат мурожаат қилинган кундан бошлаб бир кун мобайнида берилади.

4. Экспорт қилувчи, фойдаланилаётган транспортга қараб, уни олиш учун «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси ҳудудий бўлинмаларига ёки автотранспорт экспедицияларига мурожаат қилади, бунинг учун қуйидагиларни тақдим этади:

буюртманома;

контракт.

Бунда транспорт компаниялари товарга илова қилинадиган ҳужжатларни (юк ҳужжатларини) расмийлаштириши ва юкни ортиш учун ҳужжатлар тақдим этилган кундан бошлаб икки кун мобайнида транспорт бериши шарт.

5. Юридик шахс — экспорт қилувчи экспорт қилинаётган мева-сабзавот маҳсулотларини божхонада расмийлаштириш учун Давлат божхона қўмитаси бўлинмасига мурожаат қилади, божхонада расмийлаштириш, қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилган тақдирда, белгиланган тартибда кўпи билан бир кун мобайнида амалга оширилади:

а) юк божхона декларацияси;

б) хизмат кўрсатувчи банкда рўйхатдан ўтказилган контракт;

в) божхона йиғимлари тўланганлиги тўғрисидаги ҳужжат;

г) фитосанитария сертификати.

6. Юклаб жўнатилган мева-сабзавот маҳсулотларининг юк божхона декларациялари нусхалари маҳсулот жўнатилгандан кейин ўн кун муддатда Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона органлари бўлинмалари томонидан юридик шахс — экспорт қилувчи жойлашган жойдаги Давлат солиқ қўмитаси органларига берилади.

*Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 8 июлдаги қарорига 2-илова*

# ЭКСПОРТ ҚИЛИНАДИГАН ХЎЛ МЕВА-САБЗАВОТ МАҲСУЛОТЛАРИ РЎЙХАТИ

| т/р | Маҳсулот номи | ТИФ ТН коди | т/р | Маҳсулот номи | ТИФ ТН коди |
|---|---|---|---|---|---|
| | Сабзавотлар: | | | Мевалар ва полиз маҳсулотлари: | |
| 1 | Пиёз | 070310 | 1 | Узум | 0806 |
| 2 | Сабзи | 070610 | 2 | Тарвуз ва қовун | 080710 |
| 3 | Карам | 0704 | 3 | Анор | 081090800 |
| 4 | Бодринг | 0707 | 4 | Олча ва гилос | 080920 |
| 5 | Помидор | 0702 | 5 | Олма | 080810 |
| 6 | Патиссон | 070990 | 6 | Шафтоли | 080930 |
| 7 | Узунчоқ майда ошқовоқ | 070990 | 7 | Ўрик | 080910 |
| | | | 8 | Олхўри | 080940110 |
| 8 | Гармдори | 070960 | | | 0809940190 |
| 9 | Бақлажон | 070930 | 9 | Беҳи | 080820900 |
| 10 | Ошқовоқ | 070990900 | 10 | Лимон | 080530100 |
| 11 | Саримсоқпиёз | 070320 | 11 | Ҳурмо, анжир | 0804 |
| 12 | Ошкўклар | 070970 | 12 | Қуритилган | 0813 |
| | | 070990100 | | мевалар ва майиз | |
| 13 | Қуритилган сабзавотлар | 0712-0713 | | | |
| 14 | Супурги | 960310 | | | |

**ИЗОҲ:**
Мазкур рўйхатга марказлаштирилган экспортнинг 2000 йил учун тасдиқланган прогнози бўйича сотиладиган мева-сабзавот маҳсулотлари турлари киритилмаган.

# ФЕРМЕРЛАР УЧУН ДЎКОН

Навоий туман машина-трактор саройи ҳузурида қишлоқ хўжалик техникалари учун зарур эҳтиёт қисмлар билан савдо қилувчи дўкон очилди. Бу ерда асосан ширкат хўжаликлари ҳамда якка деҳқон-фермерлар учун хизмат кўрсатилади. Турли русумдаги тракторлар ва қишлоқ хўжалиги техникалари учун зарур эҳтиёт қисмларни кераклигича харид қилиш мумкин. Дўкондан молларни нақд ёки пул ўтказиш йўли билан сотиб олиш мумкин.

■ **Музаффар ШАРОПОВ**





***Тадбиркорлик билан бошқарув, акциядорларнинг бир ёқадан бош чиқариши, ички имкониятлардан оқилона ва тўғри фойдаланиш орқали Ғаллаорол матлубот саноат ишлаб чиқариш акциядорлик жамияти жамоаси йилни 3 миллион сўм фойда билан якунлаш иштиёқида меҳнат қилишмоқда. Улар ҳозир ёз неъматларидан ҳар хил консерва маҳсулотлари, салқин ичимликлар ва шарбатлар тайёрламоқдалар.***

**Суратларда: корхона фаолиятидан лавҳалар.**

■ **Шавкат АКРАМОВ олган суратлар**

# ВАТАННИ КУЙЛАРГА ЖОЙЛАБ

Ҳар йили мустақиллик байрами арафасида ўтказилиб, юртимизда анъанага айланиб бораётган «Ўзбекистон — Ватаним маним» шиори остидаги республика қўшиқ байрамининг якуний босқичи бўлиб ўтди. Танловда мустақиллигимиз, Ватаннинг муқаддаслигини, халқимизнинг бунёдкорлик ишларини мадҳ этувчи куй ва қўшиқлар янгради.

Танлов натижаларига кўра иккинчи ўрин «Оқ кема» қўшиғи учун «Сидериз» ва «Соғлом авлод мадҳияси» учун «Айём» гуруҳларига, учинчи мукофотга эса Муҳаббат Ғафурова, Мирзоҳид Мамадалиев, Шуҳрат Йўлдошевлар сазовор бўлди.

Танлов ҳайъати биринчи ўринни бермасликка қарор қилди.

■ **Лобар УСМОНОВА**

## ДИҚҚАТ: ЯНГИЛИК

# СОЯ СУТИ – РАККА ҚАРШИ

***Соя сутининг мўъжизакор кучи, сирлари нимада? Соя сутидан бизнинг мамлакатимизда онкологик касалликларни даволашда фойдаланиляптими? Биз худди шундай саволлар билан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Онкология ва радиология маркази мутахассисларига мурожаат қилдик. Бу саволларга марказнинг рак молекуляр кимёси лабораторияси раҳбари, биология фанлари доктори Валерий Петрович Татарский қуйидагича жавоб қайтарди:***

— Кейинги йилларда инсон танасидаги айрим хасталикларни бартараф этиш, шунингдек, онкологик касалликларни даволашда ҳамда унинг олдини олишда соя донининг аҳамияти ошиб бормоқда. Жануби-Шарқий Осиё халқлари соянн озиқ-овқат сифатида истеъмол қилишлари тажрибасини чуқур ўрганиш шуни кўрсатдики, бу маҳсулотни истеъмол қилиш рак касали билан оғришни камайтирар экан.

Масалан, Японияда кўпгина тадқиқотчиларнинг фикрича, анъанавий равишда соя истеъмол қилинганлиги боис рак билан оғриш хавфи соя дони истеъмол қилинмайдиган мамлакатлардагига нисбатан икки баробар камроқ экан. Америка Қўшма Штатларида эса қишлоқ хўжалиги экинлари орасида кейинги йилларда соя биринчи ўринга чиқди. У ҳатто буғдойдан ҳам олдинги ўринга кўтарилиб олди. Айни пайтда АҚШда йилига 60 миллион тонна соя етиштирилмоқда. Бу бутун дунёда етиштирилган соянинг ярмини ташкил этади. Шу билан бирга ана шу ҳосилнинг учдан бир қисми Японияга экспорт қилинади.

Айни пайтда Қўшма Штатларда соянинг ракка қарши хусусиятлари ҳар томонлама ўрганилмоқда. Масалан, бундан ўн йиллар аввал Вашингтондаги рак бўйича миллий институт соянинг ракка қарши хусусиятларини муҳокама қилиш учун ҳукуматлар ва саноат доираларининг вакилларини тўплаб, катта йиғилиш ўтказди. Кенгаш иштирокчилари соя таркибида бешта антиканцероген борлигини аниқлашди.

Энди бизнинг юртимизда онкологик касалликларнинг олдини олиш ва уни даволашда соя сутидан қандай фойдаланилаётганлиги ҳақида гапирсак. Бундан бир неча йиллар бурун бундай саволга оддийгина «йўқ» деб жавоб берилларди. Чунки ўша пайтларда республикамизда соя донидан маҳсулот ишлаб чиқарадиган биронта корхона ҳам, ташкилот ҳам йўқ эди. Энди эса Тошкентдаги «ПГС» хусусий фирмаси ана шундай камчиликни бартараф этишда камарбасталик қиляпти. Бу фирма ўзининг кичик новвойхоналари, сауналари ва маҳсулотлари билан машҳур. Лекин у яқинда соя сути ишлаб чиқаришга ихтисослашган қурилмаларни ярата бошладики, у минтақада катта воқеа ҳисобланади.

«Онкологик касалликларнинг олдини олиш ва уни даволашда соя сутидан фойдаланиш». Бизнинг лабораториямизда амалга оширилаётган тадқиқот ишларига ана шундай сарлавҳа қўйиш мумкин. Бу ишни «ПГС» фирмаси иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватламоқда. Ҳозирча дастлабки қадамлар қўйилди. Тажриба эса жониворларда, яъни шиш пайдо бўлган оқ сичқонларда ўтказилмоқда. Тажрибанинг моҳияти шундаки, биз лабораториямизда ишлаб чиқилган дори-дармонларни соя сути билан қўшиб қўллаяпмиз. Дастлабки натижалар шуни кўрсатдики, соя сути ёрдамида дори-дармонларнинг таъсири яққол сезилди. Натижада камроқ дори-дармон ва препаратлар сарфлаб, кўпроқ самара олишга эришилаётир. Масалан, рак касалининг айрим гормонларга боғлиқ турларида сут безларининг шишиб бориши 98 фоизда тўхтаб қолган. Ошқозон ва ичак ракида эса бу кўрсаткич 70 фоиздан ошмади. Шуни тушунтириб ўтаманки, кўп йиллар давомида турли шишларга ва метастатик касалликларга қарши янги турдаги дори-дармонлар борасида иш олиб бораяпмиз. Металлоорганик мажмуалар базасида табиий азотга эга бўлган қўшилмалар ёрдамида даволаш йўлларини излаяпмиз. Уларнинг фаолият механизми шундайки, улар шишган катакларни фаоллаштириб, молекула кислородларини кучайтиради. Натижада касал катакчалар йўқ қилинади.

Соғлом катакчаларда энергетик ҳаёт таъминоти ана шу молекуляр кислород ҳисобига юзага келади, у эса ўз навбатида фермент тизимлари ёрдамида фаоллашади. Шишган катакларда эса энергетика жараёнлари гликолиз — глюкозанинг сингиб бориши ёки инсон танасининг энергетика ресурслари ҳисобига амалга ошади. Шу боис ҳам рак билан оғриган кишилар озиб-тўзиб кетадилар, кўз ўнгимизда сўниб борадилар.

Соя сути эса худди ана шундай инсон танасидаги муҳим гормонлар — экстроген ва прогестеронни барқарорлаштириб турувчи махсус оқсиллар тўпламини ўзида мужассамлаштирган. Бу гормонлар улар орасидаги тенглик бузилган шароитда ўта хавфлидир. Чунки улар айрим тўқималардаги, асосан, сут безида, бачадонда ва қалқонсимон безда касаллик қўзғатиши мумкин. Бошқача қилиб айтганда, катаклар қанчалик тезроқ бўлинса, рак хавфи шунчалик кўпаяди.

Шу боис аёллар танасида жойлашган экстрогенлар унинг бутун ҳаёти давомида қандай пайдо бўлишига қараб аёлнинг ҳайз кўриш муддатлари ва унинг сифати маълум бўлади. Бошқача қилиб айтганда, ҳайз кўриш муддати қанчалик узоқ бўлса рак касалига йўлиқиш хавфи шунчалик камроқ бўлади. Тиббий адабиётларда бу ҳақда тўлиқ маълумотлар берилган. Масалан, Япония, АҚШ, Корея ва Хитойда соя асосий озиқ-овқат ҳисобланади. Шунга биноан истеъмол қилинган соя миқдорига қараб япон аёлларида ҳайз кўриш оралиғидаги муддат 33 кунни ташкил этади. Америкаликлар 32 кун, кореялик ва хитойлик аёллар 31 кундан сўнг ҳайз кўрадилар. Уларда 26-29 кунда ҳайз кўрадиган Буюк Британия аёлларига нисбатан сут бези ракига йўлиқиш хавфи тўрт баробар камроқ.

Кўплаб рак тадқиқотчилари сут бези раки ривожланишига мойил бўлган аёллардаги ракнинг олдини олиш ва даволаш учун кенг фойдаланиладиган тамоксифен дорисининг ўрнига соя сутини ишлатиш анча самарали ва хавфсиз эканлигини эътироф этмоқда.

Яқинда биз соя сути бўйича амалга ошираётган тажриба ва изланишларимизни кенгайтирдик. Бир гуруҳ кўнгиллилар — бизнинг доимий мижозларимиз, яъни онкологик касалликларни бошдан ўтказганлар, марказимиз мутахассисларининг тавсиясига биноан ўз озуқа рационларига соя сутини ҳам қўшдилар. Соя сутини «ПГС» фирмаси бепул етказиб бермоқда. Беморлар соя сутини бор-йўғи 3 ой давомида истеъмол қилишдию, лекин ҳаммалари бирдек ушбу маҳсулотнинг инсон танасига ижобий таъсир ўтказганлигини таъкидламоқдалар.

Албатта, соя сути кўпгина жиддий кўнгилсизликларнинг олдини олувчи асосий восита эмас, ҳали унинг имкониятларини чуқурроқ ўрганишимиз зарур. Лекин «ПГС» фирмасининг ҳомийлик ёрдами билан биз қўйган дастлабки қадамлар шуни кўрсатмоқдаки, эндиликда тиббиётимиз кўплаб жиддий касалликларни даволаш учун қудратли воситага эга бўлмоқда.

■ **Рафаэль ЗАГРАТДИНОВ**

## ЗАМОН — ИШ БИЛГАННИКИ

# ҲАМЁННИ МЕҲНАТ ТЎЛДИРАР

## — дейди чироқчилик Ислом Боймирзаев

Уни вилоят ҳокимлигига чақириб, ҳеч бир эътирозга ўрин қолдирмайдиган тарзда янги вазифани зиммасига ортишди: «Ҳайитқул» хўжалиги санацияга тушган, бошқарув раиси бўлиб борасиз...

У институтни битириб иқтисодчи бўлгани, вилоят молия бошқармасида тафтишчи, кейинчалик Шўрқудуқ қишлоқ кенгашида раис бўлиб ишлаганида ҳам отасининг маслаҳатига қулоқ тутарди. Тўқсон иккидан тўқсон олтинчи йилгача Дилли Сафаров номли хўжаликка раҳбарлик қилганида, одамлар билан кенгашиб ишлади. Хўжалик оёққа турди. Натижада Чироқчи туман ҳокимининг иқтисодий ишлар бўйича муовини этиб тайинланди. Қобилиятли иқтисодчи эмасми, ёмон ишламади. Энди эса бу гап.

— Мансабни ҳеч кимга боғлаб бериб қўйган эмас, — дейди Ислом Боймирзаев. —Бировдан боғ, бировдан доғ қолади, дейдилар. Аммо эндигина янги ишга кўниккан, туман иқтисодини ўзига хос жиҳатларини ўргана бошлагандим. Шу туфайли «Ҳайитқул» хўжалигининг аҳволидан воқиф эдим. Тўқсон саккизинчи йилда мамлакат бўйича 104 та, вилоятда эса 8 та хўжалик санацияга тушган бўлса, «Ҳайитқул» шулардан энг ночорларидан эди. Пахта, дон режалари узлуксиз бажарилмаган, 37 миллион сўм қарзи бор. Шундаям ўйламай кўрингчи? Очиғи, ўжарман. Бўпти, пешонамдан кўрдим, дедим...

— Мана Ислом аканинг юзу кўзи, — дейди бригада етакчиси Ражаб Пирманов. — Уқувсиз, нуқул ўзини ўйлайдиган раҳбарлардан куйганмиз. Ўшалар хўжаликни шу даражага солишди. Янги раис ҳам нима қилиб берарди, келади-кетади деб ўйлаганмиз. Ўн саккиз йилдан буён даладаман, тракторчиман. Отам бригадир эди. Янги раис мени бригадир этиб тайинлаганда, ҳайрон ҳам бўлдим. Қарасам, маслаҳат, кўмагини аямаяпти. Мен ҳам ишончини оқлай, дедим. 58 гектар еримиз бор. Одамларга ижарага бердик. Ойма-ой маош олдик. Олдинги йили ҳам, ўтган йили ҳам пахта ва ғалла режаси бажарилди. Тағин 70-80 минг сўм мукофот оламиз. Хуллас, одамлар раисдан рози.

— Аввало, шу ишга рози бўлганимда ҳамма нарсани ўйлаб кўрган эдим, — дейди Ислом Боймирзаев. — Қолаверса, хўжаликнинг одамлари бағрикенг, меҳнатсевар, фисқу фасоднинг кўчасидан ўтмаган кишилар. Нима қилаётган бўлсак, хўжаликни кўтариш учун эканлигини яхши билишади. Қўллашди, маслаҳат беришди. Кўплашдик, кенгашдик. Бошқарувда 28 киши экан, 11 киши қолди. Бригадир, агрономларни кўриб чиқдик. Ёш, ташаббускорларга ишондик. Кексалар маслаҳатгўй бўлишди. Пахта ва ғаллачиликда 300 та оилавий пудрат тузиб, ерларни ижарага бердик.

— Қолган кишилар-чи, уларни иш билан таъминлаш керак эмасми?

— Тўғри, илгари хўжаликда 1000 киши ишлаган, ҳозир 500 киши ишлаяпти, — дейди Ислом Боймирзаев давом этиб. — 12 та фермер хўжалиги тузиб, 220 гектар ер ажратиб бердик. Очиғи, шундай қилмасак бўлмасди. Ҳар томондан тортқилайверсанг, тоғ ҳам чидамайди. Хўп 2600 гектар лалми ва 673 гектар суғориладиган ер бор. Лалмида қора шудгорни қатъий йўлга қўйдик. Ўғит қиммат, ўтган йили 2 минг тоннадан ошиқ гўнг жамғариб, далаларга солдик. Хуллас, тўқсон тўққизинчи йил тузилган режаларнинг ҳақиқий натижаси кўринди. 350 гектар пахтанинг ҳар гектаридан 31 центнердан ҳосил олдик. «Бухоро-6» навли пахтанинг 95 фоизини биринчи навга сотдик. Пахтани бир ойда териб, ўрнига алмашлаб, ғалла экдик. Пахтачиликдан 10 миллион сўм соф фойда келди. Ғалла яна ҳам мўл бўлди. Ғаллачилик бизга 25 миллион сўм соф фойда келтирди.

— Ҳеч ишонгинг келмайди, — дейман. — Ахир, энг яхши ғаллачилик хўжаликларида ҳам фойда бунчалик эмас. Кўпинча доннинг нархи пастлиги, ўғит, ёнилғи харажатлари юқорилигидан нолишади. Менимча ҳам шундай.

— Мен буни инкор этмоқчи эмасман, — дейди Ислом Боймирзаев қатъийлик билан. — Келинг, ҳисоб-китоб қилайлик. Ўтган йили 2098 тонна дон етиштириб, унинг 1304 тоннасини сотдик. Шартнома нархи, албатта паст. Режани ошириб бажаргач, 573 тонна ғаллани хўжаликларга уруғлик учун 60 сўмдан сотдик. Бозорда ҳозир доннинг бир килоси 100 сўмдан кам эмас, тўғрими? Хўжалик аъзоларига килосини 30-35 сўмдан қилиб, 200 тонна ғалла бердик. Энди бу рақамларга эътибор беринг. 1центнер ғалланинг таннархи 1100 сўм. Мана, қаердан келди 25 миллион сўм соф фойда. Чунки одамлар ер, фойда ўзлариники эканлигини яхши англаяпти. Ахир, ишлаганларга 9 миллион сўм иш ҳақи бердик. Яна қўшимча 3 миллион сўм берамиз. Хўжалик санациядан чиқди. Барча қарзлар узилди. Ҳисобга пул тушди. Энди кооператив ширкат хўжалиги тузилмоқда.

Ислом Боймирзаевнинг ишлари, хўжаликнинг ночорликдан қандай чиққанлиги билан танишар эканман, ташаббус ўлмаслиги одамлар қалбини гулхан сингари ёқиш керак, деган ўй хаёлимни чулғайди. Фикрлаб ишлаб, фикрлаб яшамайдиганлардан ташаббус кутиб овора бўлмаслик лозим. Раиснинг ташаббуси билан 5 километр қишлоқ йўлларига асфальт ётқизилди. 4 километрлик газ қувурларини тортиб келиш лойиҳаси тайёр. Маблағи ҳам бор. Одамлар унга ишонишди ва раис номзодини вилоят Кенгаши депутатлигига кўрсатишди.

— Бу округ мен туғилиб ўсган ёки ишлаётган хўжалик ҳудудида эмас эди, — дейди Ислом Боймирзаев. — 5 номзод 24 минг сайловчининг ишончини қозониш учун курашдик. Ҳоким муовини бўлиб ишлаган кезларимда бу мавзедаги хўжалик ва қишлоқлар билан яхши танишган, турмуш ўртага қўяётган муаммолардан яхши хабардор эдим. Мен ваъда бермадим, иқтисод, ободончилик ҳақидаги ўйларим, режаларимни баён қилдим. Ишонишди, иккинчи даврада 70 фоиз овоз тўплашга муваффақ бўлдим. Яна нима ҳам дердим...

Менимча, ҳеч нарса. Аммо шўро даврида шунча пахта, дон етиштириб ҳам тезак ёқиб, энг оддий маиший қулайликдан ҳам бебаҳра қолган чироқчиликлар, уларнинг қишлоқлари, турмуш шароитлари ҳақида ўйлар эканман, Юртбошимизнинг ташаббус кўрсатиб меҳнат қилишга даъватларини қайта-қайта кўнглимдан ўтказаман. Туя ўркачидек қир-адирлар бағрида маржондек сочилган бу қишлоқларда ташаббус ва тадбиркорлик кенг қулоч ёйсин. Ахир, ҳадеб нолигандан наф бормикан?

■ **Юнус УЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

**Қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи барча ташкилотлар, корхоналар, хусусий тадбиркорлар ва фирма раҳбарлари ДИҚҚАТИГА!**

**Қашқадарё вилояти пудрат савдолари (тендерлар) ни ташкил этиш бошқармаси Пўлат қувурлар, Чўян батареялар, Ҳар хил диаметрдаги арматуралар, Угольниклар, Швеллерлар, Пишиқ ғиштлар, Сантехник жиҳозлар, Гипс, оҳак, бўёқлар, Цемент маҳсулотлари ва қуйидаги**

| Маҳсулотлар номи | Русуми | Ўлчов бирлиги | Миқдори |
|---|---|---|---|
| Электр кабеллари 3 ×35/10 | ААШВ | км | 2. 620 |
| Электр кабеллари 3 ×120/10 | ААШВ | км | 2. 400 |
| Электр кабеллари 3 ×120/10 | АСБУ | км | 0. 495 |
| Электр кабеллари 3 ×95/10 | АСБУ | км | 1.310 |
| Электр кабеллари АСО 3 ×95/6 | АСБУ | км | 0.500 |
| Электр кабеллари 4 ×35 | АВВГ | км | 5.855 |
| Электр кабеллари 4 ×50 | АВВГ | км | 3.690 |
| Электр кабеллари 4 ×70 | АВВГ | км | 20.095 |
| Электр кабеллари 4×95 | АВВГ | км | 7285 |
| Электр кабеллари 4×120 | АВВГ | км | 1.380 |
| Электр плита | ПЭ 051-01 | дона | 12 |
| Электр плита | ПЭ -017 | дона | 12 |
| Электр това | ПЭ-045 | дона | 8 |
| Музлатгич маиший | «Сино» | дона | 20 |
| Эл. қовуриш плитаси | ШЖЭ 0.51.085 | дона | 14 |

| Маҳсулотлар номи | Русуми | Ўлчов бирлиги | Миқдори |
|---|---|---|---|
| Нон пишириш шкафи | ШПЭСМ-3 | дона | 2 |
| Қайнатгич | КНЭ-50 | дона | 5 |
| Қайнатгич | КНЭ-100 | дона | 5 |
| Универсал машина | ПУ-06 | дона | 9 |
| Картошка артиш машинаси | МОК-125 | дона | 5 |
| Картошка артиш машинаси | МОК 400 | дона | 1 |
| Эл. қозон | КЭ-160 | дона | 2 |
| Эл. қозон | УЗВ-60 | дона | 7 |
| Эл. қозон | КЭ-100 | дона | 5 |
| Эл. қозон | КПЗ-160 | дона | 7 |
| Эл. қозон | КП-60 | дона | 2 |
| Музлатгич | ШХ 0.4 | дона | 5 |
| Музлатгич | ШХ 0.8 | дона | 6 |
| Музлатгич | ШХ 0.56 | дона | 4 |
| Музлатгич | ШХ 1. 12 | дона | 1 |
| Раста линияси | ЛПС 1т | к/т | 7 |
| Касса аппарати | «ОКА» | дона | 7 |
| Буғда пишириш аппарати | АЭП 0,23 | дона | 2 |
| Музлатгич камераси | КХС 2-6 | дона | 4 |
| Пештахта музлатгич | ВХС 0-1 | дона | 3 |
| Электр термостат | ТЭ 25 | дона | 5 |
| Стационар мармет | МП 28 | дона | 3 |

*жиҳозларни сотиб олишда танлов ўтказади. Тендер танловлари ҳар 10 кунда бир марта ўтказилади. Танловга қатнашиш учун ҳақ тўланмайди. Ҳақ тўлаш тендер бошқармаси билан тузилган шартномага кўра маҳсулот етказиб берувчи ва сотиб олувчидан 1 млн. сўмгача 1 фоиз, 1 млн. сўмдан юқори қисмига 0.25 фоизда амалга оширилади.*

**Мурожаат учун манзил: Қарши шаҳри, Ўзбекистон кўчаси, 58-уй 13-трест биносида жойлашган Пудрат савдолари (тендерлар)ни ташкил этиш бўйича хўжалик ҳисобидаги Республика бошқармасининг Қашқадарё вилоят филиали. Тел/факс: 4-46-37.**

ТЕРАН ТОМИРЛАР

# ВАТАНДАН ТАШҚАРИДА БАХТ ЙЎҚ, БАХТ БЎЛСА ВАТАН ЙЎҚ

*Ўзбекистон байроғини боши узра баланд кўтариш ҳар қандай кишидан мисли кўрилмаган меҳнат, чидам-бардош, шижоат ва матонат талаб қилади.*

**Ислом КАРИМОВ**

1.

Ўйлаб қарасангиз, ҳамма гап айтиб бўлинган, фалсафий қарашлар ўз ифодасини топгандек. Одамзот оқ ва қорани ажратиб, кўрган-кечирганларига муносабат билдира бошлаган кезлардан буён ўтган давр ичида моддий олам ҳақидаги тушунчалар узлуксиз такомиллашиб келмоқда. Дунёга очиқ кўз билан қарайдиган ҳар бир одам ҳаётдаги ўзгаришни ўз салоҳияти даражасида таҳлил этади. Ва албатта, хулосалар чиқаради. Бу — табиий ҳол. Катталнинг ҳам, кичикнинг ҳам ўзининг қизиқиши, шунга яраша интилиши бўлади. Интилишдаги хилма-хиллик одамларни бир-биридан ажратиб туради. Лекин дунёда шундай муқаддас тушунчалар борки, у барчани бир улуғ мақсад атрофида бирлаштиришга қодирдир. Муҳтарам Президентимиз илгари сурган **юрт тинчлиги, Ватан равнақи, комил инсонни тарбиялаш** каби эзгу ғоялар, шундай халқчил ғоялар тизимидан таркиб топадиган миллий истиқлол мафкураси шундай қутлуғ вазифани ўташига асло шубҳа қилмайман. Чунки инсон боласи учун Ватандан, фарзандларининг бахт-саодатидан, тинчлик ва осойишталикдан улуғ неъмат йўқ.

Президентимизнинг **«Донишманд халқимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаман»** деб номланган миллий мафкура ҳақидаги суҳбатини ўқиганда, жуда кўп хотиралар хаёлимдан ўтди. Тўқсонинчи йилларда Амир Темур хиёбони барпо этишга киришилганда «*Шуни қуриш шартмикан ҳозир? Шунга кетадиган маблағни одамларга бўлиб берса бўлади-ку!*» деган аччиқ таъналар ҳам қулоғимизга чалинган. Борингки, шу маблағ кўпчиликка бўлинганида, бир тўғрам нончалик татирмиди-йўқмиди? Лекин бу кўркам хиёбон, ундаги соҳибқирон бобомизнинг муҳташам ҳайкали неча йиллардан буён қанчадан-қанча кўнгилларга ғурур ва ифтихор бағишлаб турибди.

Улуғ ишлар ҳамиша қийинчиликни бўйинга олиб қилинади.

Президентимиз бошчилигида ўтган йиллар ичида кўпдан-кўп шундай ишлар амалга оширилди, шу билан бирга миллий мафкурамизнинг асослари яратилди. Минг йиллик анъаналар, миллий қадриятлар, халқимизнинг тарихий хотирасини тиклаш борасида қилинган ва қилинаётган кенг кўламли, муаззам ишлар шундай дейишимизга тўла асос беради.

Президентимиз илгари сураётган миллий истиқлол мафкурасининг назарий асосларини яратиш — **келажаги буюк давлат**нинг бунёдкорлик йўлини белгилаш демакдир. «**Миллий мафкура**, — дейди Ислом Каримов, — **бу халқнинг, миллатнинг ўтда ёнмайдиган, сувда чўкмайдиган ўлмас эътиқодидир**».

Эътиқод эса инсон иродасини мустаҳкамлайди, унинг руҳини, қобилиятини қувватлантиради.

2.

Агар биз тарихга назар ташласак, мислсиз жасоратлар Ватан ҳимояси йўлида кўрсатилган ғайрат-шижоат натижасида содир этилганига гувоҳ бўламиз.

Ўзини таниган, қадрини билган ҳар қандай инсон она Ватанига чексиз меҳру муҳаббат билан яшайди. Бундайлар умрининг ҳар бир лаҳзасини ўзининг, халқининг Ватанининг келажаги, ободлик, фаровонлик, тинчлиги учун сарфлайди. Мана шу сафарбарлик ҳаётимизда мўъжизалар яратишига шубҳа қилиш мумкинми?!

Олий Мажлиснинг ўтган сессиясида Президент Ислом Каримов Олмония ва Япония урушдан вайрон бўлган ҳолда чиқса-да, қисқа давр ичида ўзларини тиклаб олгани, бунга сабаб эса халқнинг ҳамжиҳатлик билан бунёдкорлик қудратини юзага чиқарувчи омиллар бўлгани ҳақида тўхталиб, халқимизни шундай улуғвор ишларга руҳлантиргани ҳар биримизнинг ёдимизда. Шунда мен: «Ҳақиқатан ҳам бизнинг японлардай бўлишимизга, улардек ҳайратомиз ишлар қилишимизга нима халақит беради?» — деб ўйладим.

Муҳтарам Президентимиз мамлакатнинг ҳар бир фуқаросини фидойи, ойдин келажакка камарбаста ҳолда кўришни, Ватан истиқболи йўлида ўз имкониятларини тўла рўёбга чиқаришини истайди.

Ялпи тараққиётнинг асосий омили шу эмасми?

Японияда юз йигирма беш миллион аҳоли истиқомат қилади. Ери, табиий имкониятлари чекланган. Аммо улар чорак асрдан буён дунёни ҳайратга солиб келмоқда.

Нимаси билан?

Яратувчилик, ихтирочилик қобилияти, муттасил изланиши, кашфиётлари, бир сўз билан айтганда, интеллектуал салоҳиятини ишлаб чиқариш борасида тўла намоён этиши билан...

Бу қобилият ҳар бир миллатда бор. Фақат буни юзага чиқариш учун аввало вақтни қадрлаш, ҳамма бир ёқадан бош чиқариши, бир нафас ҳам тиниб-тинчимаслиги, изланиши, ўз устида қунт билан ишлаши ва ўз касбининг ижодкори, қўли гул бўлиши керак.

Бунинг учун эса биз, аввало ўзимизни қайта тарбиялаб олишимиз, японлар каби дастуруламалга — мафкурага эга бўлишимиз, шундан келиб чиқиб дунёга миллий манфаат нуқтаи назаридан қарашимиз, ўқишимиз, ўрганишимиз, тинимсиз изланишимиз керак бўлади.

Миллий истиқлол мафкураси ҳақидаги суҳбатда Президентимиз илгари сураётган ғоялар айнан шунга даъват этади. Ва бу халқимизнинг ҳамиятини уйғотиб, тарихий ғурурини тиклашга, келажак учун сафарбар этишига шубҳа қилмайман. У ҳар бир инсон табиатидаги энг олий хусусиятларни, фазилатларни рўёбга чиқариб қолмай, оби ҳаёт каби уларга яшовчанлик бағишлаб туради, деб ўйлайман.

3.

Президентимиз ҳамиша Инсонга ва унинг қадр-қимматини жой-жойига қўйишга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Чунки ҳаётни яшнатадиган ҳам, вайрон қиладиган ҳам инсон. Обод Ватан ҳам, тинчлик-фаровонлик ҳам, барча-барчаси мана шу инсон, унинг муносиб ҳаёт кечириши учундир.

Яқинда мен «Кейс» комбайнида ғалла ўраётган тракторчига бир соатча ҳамроҳ бўлдим, ўзи гувоҳ бўлмаган киши мен айтган гапларга ишонмаслиги мумкин, аммо бу ҳақиқат: комбайн кабинаси унча-мунча уйлардан шинам, салқингина, энг нуфузли банкларимизда қандай замонавий ускуна-жиҳоз бўлса, ундан аълороқ бошқарув шароити, гапнинг очиғи, ҳавасингиз келади.

Бу — қулайлик, ғамхўрлик — инсоннинг меҳнатини, энг аввало, унинг ўзини қадрлаш эмасми?

Ватан мана шундай йўлдан бормоқда.

Ватан...

Киндик қони томган жой. Ҳар биримизнинг ҳаётимизга маъно ва мазмун бағишлаб турган, боримиз ҳам, йўғимиз ҳам, номусимиз ҳам, оримиз ҳам мана шу — Ватан эмасми?!

***Ғанимлар таҳқирлаб***
***бешафқат,***
***Онангдан айрилдинг,***
***дедилар,***
***Тутқуннинг кўзида,***
***бетоқат,***
***Қатра ёш кўрмоқчи***
***эдилар,***
***Қатра ёш...***
***Мағрур қолди***
***мағрур бош.***

***Кўз ёшлар боиси —***
***ғам, алам,***
***Ёрингдан айрилдинг,***
***дедилар.***
***Кўзига боқдилар, шод,***
***хуррам —***
***Қатра ёш кўрмоқчи***
***эдилар,***
***Қатра ёш...***
***Мағрур қолди***
***мағрур бош.***

***Қасоскор хабарлар***
***билмас ҳад,***
***Ватандан айрилдинг,***
***дедилар.***
***Ва унинг кўзида сўнгги***
***дард —***
***Қатра ёш кўрмоқчи***
***эдилар.***
***Қатра ёш...***
***Бир қалқди...***
***Жон эди ўша ёш!***

Ватан шундай мўътабардир.

Хўш, нега?

***«Мен нечун севаман Ўзбекистонни?»***

Дунёвий ҳикматлар силсиласида мангу барқарор бир гап бор: ҳамма нарсангдан жудо бўлган тақдирингда ҳам сўнгги имконинг бор, бу — Ватан. Уни, номус-орингни сотмасанг, инсонийлигингни сақлаб қолишинг, эл-юрт қўллаб-қувватласа, ўзингни тиклаб олишинг мумкин.

Номусни сотмаслик, аввало Ватан ва унинг шарафини ҳимоя қилиш билан боғлиқдир. Ўлим қўрқинчли эмас, лекин Ватансиз қолиш, Ватандан айрилиш даҳшатдир. Кафансиз қолишдан кўра Ватансиз қолиш мудҳишроқ эмасми?

Биз Ватанни мўътабар деймиз.

Нега?

Онамиз, отамиз, фарзандларимиз шу Ватанда. Илдизларимиз унинг бағрига сингиб кетган. Халқимиз етти пуштини билмаган — одам эмас, дейди. Наинки етти, балки етмиш пуштимиз қаерда?

Улар биз туғилиб ўсган мана шу ер бағрида. Ватан бизнинг ўтмишимиз, келажагимиз. **«Инсон ўзлигини англагани, насл-насабини билгани сари юрагида Ватанга муҳаббат туйғуси илдиз отиб, юксала боради,** — дейди Ислом Каримов. — **Бу илдиз қанча чуқур бўлса, туғилиб ўсган юртга муҳаббат ҳам шу қадар чексиз бўлади».**

4.

Озодлик қўлга киритилганига тўққизинчи йил тўляпти. Ўтган йиллар ичида кўп-кўп мўътабар ишлар қилинди. Агар эътибор берсангиз, бу ишлар дастлаб Она тилимизга эҳтиром кўрсатишдан бошланган.

Зеро, миллатга ўзлигини англатадиган энг қудратли қадрият — Она тили эмасми? Тилини эъзозлаган халқ аслида ўзини эъзозлайди. Лекин орадан ўн йилдан ошиқ вақт ўтган бўлса-да, шу оддий ҳақиқатни ҳамон англаб етмаган ҳаммиллатлар ҳалиям учрайдики, бундан дилинг оғрийди.

Янгийўл туманида «Янгийўл» ширкатлар уюшмаси бор. Шу уюшма раиси Ўринбой Тўрақуловнинг хўжалик фаолиятига оид ҳужжатларни она тилида расмийлаштиришга ҳафсаласи етмаётгани кишини ажаблантиради. Халқимиз эса бундай тепса тебранмасликка нисбатан шундай муносабат билдирган: ***«Тилга эътиборсизлик — элга эътиборсизлик».***

Ўз она тилини билмаган, уни қадрига етмаган кимсалар ҳақида ўйлар экансан, ўзгариш аввало инсоннинг онгида юз бериши лозимлигини, биринчи навбатда одам ўзини ҳурмат қилиши, бунинг учун эса дунёқараши янгиланиши зарурлигини ҳис этасан киши.

Бугунги кунда ҳам, раҳбарлик фақат режани бажаришдан иборат, деб юрган раислар, ҳокимлар озми? Ислоҳотларга халақит бераётган — ҳаётдан орқада қолган мана шундай беўйлар эмасми?

5.

Хотира ва Қадрлаш куни мамлакатимиз раҳбари мафкуравий бўшлиқлар ҳақида гапирар экан, ҳамон жойларда шўро сиёсатининг «оқава»си бўлган — қўлида қурол тутган аскарлар ҳайкали ва шу каби ёдгорликлар мавжудлигига эътиборни қаратдилар. Нимагадир шу пайтгача ҳеч биримиз бу ҳақда жиддий ўйлаб кўрмаганмиз. Аслида бир қолипдан чиққан бундай қуруқсавлат ҳайкаллар одамларнинг дидини ўтмаслаштириш билан бирга аллақачон ҳозирги ёшлар учун мавҳум ва тушунарсиз нарсага айланган. Чунки уларнинг кўринишида бирон-бир миллий хусусият учрамайди. Бетон симёғочлардан фарқи шундаки, муайян шакл касб этган ва бирон-бир хиёбон ёки тепалик устига қўйилган. Мадомики, шундай экан, ҳамон уларнинг эътиборга молик жойда қўнқайиб туришида нима маъно бор?

Жиддий ўйлаб кўрайлик, хўш, собиқ иттифоқ даврида ҳар қадамда ғўдайиб турган «Ленин бобо»нинг ҳайкаллари одамларга нима берди ўзи?

Тириклар қўлида ҳукм чиқаришдек шафқатсиз ҳуқуқ бор-босиб ўтилган ҳаёт йўлини муҳокама қилиш сиз билан бизнинг ихтиёримизда. Аммо ҳукм чиқараётганда кечмиш сиёсат қурбони бўлиб кетган миллион-миллион кишилар хотирасини ҳам унутмаслик керак. Чунки улар ҳам худди сиз билан биз каби яшашга тўла ҳақли эди. Уларни яшаш ҳуқуқидан маҳрум этган мана шу «доҳий»лар эмасми?

6.

Шу йилнинг 1 июнида газетамизда чоп этилган *«Бугун ҳам Сталинга сиғинишми бу?»* деган мақола кўпчиликнинг ёдида бўлса керак? Ундан Ромитан туманидаги «Халқобод» хўжалигида ҳамон ёвузлик «даҳо»си И.Сталин ҳайкали қўр тўкиб тургани ҳақида гап боради. Шундан сўнг туман ҳокими А.Нозимов бизга расмий жавоб йўллади. Унда айтилишича, *бу ҳайкал элнинг назаридан четда турган эмиш!*

«Сталин ҳайкалининг шу пайтга қадар сақланиб туришида шахсан менинг зиғирча айбим йўқ», демоқчи бўлади ҳоким. Бу эса, **мен нима дейман, қўбизим нима дейди,** деган мақолни ёдга солади.

Бизни эса бу масалада ҳокимнинг айбдор ёхуд айбсиз эканлиги эмас, балки шу ҳайкалнинг «яшаб» келишига сабаб бўлган лоқайдлик, мантиқсизлик, мулоҳазасизлик ўйлантиради. XX асрнинг бошида ҳозирги Амир Темур хиёбонида юртимизни истило этган чор генерали Кауфманнинг ҳайкали турган. Шунда юртни астойдил севган маърифатпарварлар, қани энди шу мустабид ҳайкали ўрнида соҳибқирон бобомиз Амир Темур ҳайкали турса, деб армон қилишган.

Нега?

Чунки улар босқинчининг ҳайкалини кўрганда ўзларини, қадр-қиммати ва ғурурларини топталган, оёқости қилинганини ҳис этган. Нега халқимиз Нажмиддин Кубро, Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди, Чўлпон ва Фитрат, Абдулла Қодирий каби сиймолар номи тилга олиниши мумкин бўлмаган даврларда ҳам уларнинг жасорати ва хотирасини юрагида асраб келди? Чунки ўша зотлар мана шу халқ, унинг фарзандлари, Ватани озодлиги, бахт-саодати учун курашган, керак бўлса, шу йўлда жон фидо этишган.

Ким билан курашган?

Мана шу халқнинг шаънини, номусу орини топтаган босқинчилар билан...

Сталин ким эди?

Истило сиёсатини қон билан бошқарган мустабид, яъни ўша босқинчиларнинг бири, намояндаси эди.

Биз мана шунинг фарқига бормасак, фарзандларимизга қандай қилиб тўғри тарбия берамиз?

Бутун бир туман аҳлига бош бўлиб юрган раҳбарнинг бунга ақли етиши керак-ку!

Бунинг учун эса ҳар бир инсон маърифатли бўлиши, Ватан ва унинг тарихини билиши, қадрлаши, унинг келажаги йўлида сафарбар бўлиши лозим. Ҳар бир оилада шундай руҳ ҳукмрон бўлиши керак. Ўғил-қизларимиз мана шундай муҳитда тарбия олсагина, Президентимизнинг таъбири билан айтганда, **мен ўзбек фарзандиман, деб ғурур ва ифтихор билан яшайди, замон тараққиёти билан баробар қадам ташлайдиган инсонлар бўлиб етишади.**

Япония учун оғир кечган иқтисодий буҳрон йилларида икки япон донишманди тортишиб қоладилар. Биринчи донишманд: **«Япон болалари бугун оч. Биринчи галда уларнинг қорнини тўйғазмоқ керак»,** — деди. Иккинчи донишманд: **«Йўқ, биз уларга дарёлардан, денгизлардан, уммонлардан балиқ тутишни ўргатмоғимиз керак. Шундагина улар ўз қорнини ўзлари тўйғазадилар. Шундагина улар оч қолмайдилар. Шундагина улар яшаб қоладилар...»** — дея эътироз билдирди.

Каттадир, кичикдир, раҳбару раҳнамо мана шу донишманд каби эртанги кунни кўзлаб иш юритиши, жилла қурса, шунга ҳаракат қилиши, Йўлбошчимизга қанот бўлиши керак, деб ўйлайман.

Бунинг учун эса, аввало ҳар биримиз зиммамиздаги оғир масъулиятни чуқур ҳис қилмоғимиз даркор. Чунки ҳар биримизнинг ҳаётимиз, эртанги кунимиз қандай бўлиши, фарзандларимизнинг бахтини кўриш, келажак мана шу Ватаннинг нечоғлик гуллаб-яшнашига бевосита боғлиқдир.

■ **Азим СУЮН**

**Шу йил 9 май — Хотира ва Қадрлаш куни мамлакатимиз раҳбари мафкуравий бўшлиқлар ҳақида гапирар экан, ҳамон жойларда собиқ шўро сиёсатининг излари мавжудлигига эътиборни қаратган эди. Шундан сўнг биз мамлакатимизнинг турли бурчаклари — қишлоқ ҳамда шаҳарларини айланиб чиқдик ва қуйидаги суратлардаги каби манзараларнинг гувоҳи бўлдик.**


Гулистон туманидаги «Бешбулоқ» хўжалигида


Касби тумани марказида


Чироқчи тумани «Ўзбекистон» хўжалигида


Қизириқ тумани «Кунчиқиш» ширкат хўжалигида


Бухоро шаҳрида


Боёвут тумани марказида


Фарғона шаҳрида


Китоб туманидаги Ш. Умаров хўжалигида


Ромитан туманидаги Хотира боғи


Тўрткўл-Беруний йўли чеккасида

ҚАДРИЯТ

# ҚАДИМИЙ ҲАДИСЛАРДАГИ БУГУНГИ МУАММОЛАР

Ҳадис илмининг султони Имом ал-Бухорийнинг ҳаёти ва ижодини ўрганар эканмиз, унинг дунёқараши ғоятда илғор ва кўп жиҳатлари билан ҳар қандай давр учун ҳам катта аҳамият касб этишининг гувоҳи бўламиз.

Имом ал-Бухорий ҳаёти ва илмий фаолиятида бир муҳим жиҳат аниқ кўзга ташланиб туради. У ҳам бўлса аллома бундан қарийб XII аср олдин ҳам диний мутаассибликка, ақидавий маҳдудликка, бидъат ва хурофий қарашларга нисбатан муросасиз бўлганидир. Бу каби тамойил ҳозирги давримиз учун ҳам катта аҳамиятга эга эканлигининг гувоҳи бўламиз.

«Бидъат — хурофотга берилган одам то уларни тарк этмагунча, унинг қилган савобли ишларини Тангри қабул қилмайди», «Тўрт тоифа одамларни Тангри ёмон кўради: қасамхўр савдогарни, такаббур камбағални, зинокор кексани ва золим подшоҳни», «Қуръонни ўқиб унга амал қилинглар. Ундан узоқлашиб кетманглар, унинг маъносига чуқур маъно бераман деб хато ва муболағага берилиб кетманглар. Уни тирикчилик воситаси қилиб олиб, молу дунё орттиришга ўтманглар», «Азайимхонлик, тумор тақмоқлик ва сеҳру жоду билан шуғулланмоқлик Тангрига ширк келтириш билан баробардир», «Фаҳш ишлар, фаҳш сўзлар исломда йўқ нарсалардир». Мўмин одамларнинг афзали — яхши хулқлисидир, деган ҳадисларда умуминсоний қадриятлар, юксак ахлоқий фазилатлар ва илғор ижтимоий ғоялар ўз ифодасини топган. Хусусан, маънавият ва ахлоққа оид масалалар Имом ал-Бухорий тўплаган ҳадиси шарифларда мукаммал ёритилган бўлиб, уларда болаларнинг ўз ота-оналари олдидаги бурчлари, шунингдек, ота-оналарнинг болаларни тарбия қилиш борасидаги бурчлари ва масъулиятлари мукаммал ишлаб чиқилгандир.

Имом ал-Бухорийнинг «Жомеъ ас-саҳиҳ» тўпламидан ижтимоий ва ахлоқий мазмундаги ҳадислар ўрин эгаллаган. Ушбу ҳадислардан аҳлоқ илми бир бутун фан эканлиги, унинг турли қисмлар ва умуминсоний қоидалардан таркиб топиши кўриниб туради. Мана шу умумий қоидаларга амал қилувчилар ахлоқнинг барча ижобий қирраларини ёдларида сақлашга муяссар бўладилар. Ҳамма учун умумий бўлган ахлоқий қоидалардан бири — «Ўзинг учун суйган нарсани бошқалар учун суй», «Ўзингга ёққан нарсани бошқаларга ҳам раво кўр» деган ҳадиси шарифлардир. Бу ҳикматда энг соғлом аҳлоқий фазилат ўз ифодасини топган бўлиб, у умуминсоний аҳамиятга эга бўлган, универсал аҳлоқий фазилатдир. Унда инсонийликнинг энг муҳим мезони ифодаланган: ўз шахсини ўзгалар шахсидан юқори қўймаслик, атрофдагиларга ҳурмат ва эътибор ҳар бир инсон учун ғоят ноёб хислат эканлиги таъкидланади.

Инсон учун энг азиз ва қадрли — ҳаётдир. Ҳаётда ўз ўрнини топиш, ҳалоллик, тўғри йўлдан юриш, вақтни ғанимат билиш каби тамойилларга амал қилиш борасидаги даъватлар ҳадиси шарифларда кўп учрайди. Қуйидаги ҳадис бу фикрнинг далилидир: «Бешта нарса юз беришидан олдин беш нарсани ғанимат бил: ўлимдан олдин ҳаётлигингни, касал бўлишдан олдин соғлигингни, машғулиятдан олдин бўш вақтингни, қариликдан олдин ёшлигингни, фақирликдан олдин бой вақтингни». Бу беш омил қадрини ҳар бир одам ўз ҳаётий тажрибаси асосида англаб етади. Кўпгина одамлар ҳаётда оқибатни ўйламайдилар, мағрурлик васвасасига бериладилар ва бир куни ғафлатда қоладилар. Расулуллоҳ бу каби қадриятларни умматларига эслатадилар ҳамда ғафлатда қолишдан огоҳлантирадилар. Демак, ўлимга қадар ҳаётнинг ҳар лаҳзасини ғанимат билиш, пок кўнгил билан бу дунёда фойдали, савобли иш билан из қолдириб кетиш мўмин-мусулмонлар учун фарздир. Савобнинг ва яхшиликнинг катта-кичиги, оз-кўпи йўқдир, дейилади ҳадиси шарифларда.

«Жомеъ ас-саҳиҳ» тўпламидаги ҳадислар учун хос бўлган яна бир муҳим ғоя — ислом динига хос ахлоқий юксаклик ва тараққиёт сари интилишдан иборатдир: «Ҳаёнинг бутун вужуди яхшидир», «Ҳаё доимо яхшилик келтиради», «Ҳаё— имондандир», «Дин — насиҳатдан иборат» деган ҳадислар мусулмонларни яхши хулқ соҳиблари бўлишга даъват этади. Ислом дини ҳамма нарсада — дунёвий ҳаётда ҳам, Оллоҳга тоат-ибодатда ҳам меъёр бўлишини эслатади. Динга бутунлай берилиб, тирикчиликдан четга чиқиб қолиш ҳам яхши эмаслиги таъкидланган. Масалан, қуйидаги ҳадиси шарифда бу фикр шундай баён қилинади: «Динда ҳаддан ташқари ғулув (чуқур) кетманглар. Чунки сизлардан илгари ўтган қавмлар динда ҳаддан ташқари ғулувлар сабабли ҳалок бўлганлар».

Демак, ислом ҳаракат дини, унда кишиларнинг амалий фаолияти, ижодкорлиги чекланмаган. Имом Бухорийнинг «Жомеъ ас-саҳиҳ» тўпламидаги кўпгина ҳадисларда касб-ҳунар эгаллаш, тирикчиликни ҳалол меҳнат билан ўтказиш, савдо-сотиқ, ўзаро муносабатларда ҳалолликка даъват этувчи фикрлар, ўгит-насиҳатлар қайд этилган. Улардан кўринадики, ислом дини мусулмонларга тараққиёт йўлидан юришни фарз деб билади. Тараққиётга кишилар илми, яхши ишлари билан эришиши мумкинлиги ҳадиси шарифларда кенг ва чуқур ўрин олган.

Демак, имом Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий тасниф ва тафсир этган ҳадисларнинг асосий мазмуни ва моҳияти — оламдаги барча инсонларга яхшилик қилиш билан гўзал ҳаёт кечириш учун интилишга хизмат қилади. Ҳадислар ислом динининг фалсафий, ахлоқий, ижтимоий ва ҳуқуқий жиҳатларнинг янада бойиши учун муҳим манба бўлиб хизмат қилмоқда.

■ **М. ЖАКБАРОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси Илмий-тадқиқотлар бўлими бош мутахассиси.**

АДАБИЁТ ВА СИЁСАТ

**Никколо МАКИАВЕЛЛИ**



# ҲУКМДОР

1

**Никколо Макиавеллидан Лоренцо де Медичи ҳазрати олийларига**

*Одатда, кишилар ҳукмдор иноятига мушарраф бўлмоқ илинжида асл зеб-зийнатларни ёхуд салтанат соҳибига завқ бағишловчи наслдор тулпорини, нафис мато-ю, нодир тошларни валинеъматларига инъом қиладилар. Ҳазрати олийларига садоқатимни баён этиш ниятида юрган камина эса ҳозирги ишлар ва ўтмиш амалларни тинимсиз тадқиқ қилиш асносида кўп йиллик тажриба воситаси ила қўлга киритилган буюк зотлар аъмолларига оид билимларимдан-да қимматлироқ ва муносиброқ бирон нарса топмадим. Теран ўйлаш баробарида билиб олишга улгурганларимга кўп вақт ва куч-ғайрат сарфлагач, ўз мушоҳадаларимни ихчам асарда мужассамлаштирдим-да, камина уни Сиз, ҳазрати олийларига тортиқ қилаяпман. Гарчанд ушбу асар Сизнинг наздингизга тақдим этишга лойиқ эмасдир, деган андишага борсам-да, кўпдан-кўп хавф-хатар ва заҳматлар эвазига қўлга киритган ушбу хазинамдан салмоқлироқ инъом юбориш ихтиёримдан ташқарида эканлигини билганим боис, уни ўз марҳаматингиз ила қабул қилишингизга ишонаман. Камина ушбу асарда кўплар хуш кўрувчи пурзийнат жумлалар борасида ҳам, сўзлар тантанаворлиги ва жарангдорлиги борасида ҳам, бирон-бир зоҳирий жимжимадорлик ва салобати борасида ҳам қайғурмадим, зотан, асарим ё номаълум ҳолда қолиб кетишини, ёхуд мавзу ғайриоддийлиги ва муҳимлиги боис ягона дея эътироф этилишини истадим. Менингдек, мартабаси паст ва арзимас бир киши ҳукмдорлар хаттиҳаракатини муҳокама қилиш ва йўналтиришга тутинганини андишасизлик дея ҳисобламаслигингизни истардим. Инчунун, мусаввир расм чизаётганида назари қоялар ва тоғларни қамраб олишини истагани боис водийга тушгани ва назари водийни қамраб олиши учун тоғга кўтарилгани сингари бу ўринда ҳам халқнинг моҳиятини англаб етиш учун ҳукмдор, ҳукмдорлар табиатини тушуниб етиш учун эса халққа мансуб бўлмоқ лозимдир.*

*Ҳазратлари ушбу арзимас тортиқни мени шунга ундаган ҳис-туйғу ила қабул қилсалар, шояд; бордию Сиз асаримни диққат билан мутолаа қилмоқ ва устида ўйламоқни ихтиёр этсангиз, унда камина ҳазрати олийларига тақдир ва лаёқатингиз чек-чегарасиз бўлмоғини тилашимни теран ҳис қилгайсиз. Мабодо, олий ҳазратлари юксалган чўққидан камина билимларни тўплаган пасттекисликка қачонлардир назарлари тушса, тақдирнинг залворли ва мунтазам зарбаларига беҳудадан-беҳудага чидаб келаётганимни кўргайсиз.*

2

***Биринчи боб***

## ДАВЛАТЛАРНИНГ ҚАНЧА ТУРЛАРИ МАВЖУД ВА УЛАР ҚАЙ ТАРИҚА ҚЎЛГА КИРИТИЛАДИ?

Кишилар устидан янги ҳокимият ўрнатган ёки азалдан ҳокимиятни ушлаб турган барча давлатлар, барча салтанатлар моҳиятан ё республика ёки яккаҳокимлик асосида бошқарилади. Яккаҳокимлик асосида бошқарилувчи, давлат аждоддан аждодга ўтувчи, яъни маврусий (меросий), ёки янги сулоланинг қўлига ўтганда ҳам шундай бошқарилади. Янги сулола давлатни бутунича бошқариши мумкин — Милан Франческо Сфорцоники бўлгани каби ёхуд забт этиш натижасида қўшиб олиб бошқарилади, яъни Неаполитания қироллиги Испания қироллигига қўшиб олингани каби. Янги давлатлар аҳли ҳукмдорларга бўйсунишга кўникиб кетган ва азал-азалдан эркин яшаб келган фуқароларга бўлинади; давлат ўз, ёхуд ўзганинг қуроли билан, ёинки тақдир инояти билан, ё бўлмаса матонат билан қўлга киритилади.

***Иккинчи боб***

## МАВРУСИЙ ЯККАҲОКИМЛИК ҲАҚИДА

Республикалар хусусида тўхталиб ўтирмайман, зотан, улар ҳақида мавриди келганда сўз юритаман. Бу ўринда тўғридан-тўғри яккаҳокимлик бошқаруви мавзуига кўчаман ва юқорида мўлжалланган тартибга риоя этган ҳолда ҳукмдорлар давлатларни қандай усуллар билан бошқариши ва улар устидан ҳокимият тутишини муфассал муҳокама қиламан.

Сўзни, табаалари ҳукмрон сулола билан эл бўлиб кетган маврусий ҳукмдорнинг янги ҳукмдордан кўра ҳокимиятни сақлаб қолиши бирмунча осонлиги, чунки у аждодлари одатлари устидан ҳатлаб ўтмаслиги ва кейинчалик уларни ошиқмасдан янги вазиятларга ҳам қўллаб бораверишни кифоя эканлигидан бошлайман. Ана шу тариқа иш кўрганида ҳатто ўртамиёна ҳукмдор ҳам, башарти, ниҳоятда қудратли ва таҳдидкор куч воситасида тахтдан ағдарилмаса, ҳокимиятдан маҳрум бўлиб қолмайди, бордию шундай бўлган тақдирда ҳам, босқинчи илк маротаба муваффақиятсизликка учраши биланоқ ўз ҳокимиятини қайтариб олади.

Италияда 1484 йили венецияликлар ва 1510 йили папа Юлий томонидан етказилган мағлубиятдан кейин сулоласи Феррарда қадимдан ҳукмдорлик қилиб келгани учунгина ҳокимиятини сақлаб қолган Феррар герцоги бунга мисол бўлади. Зотан, ҳокимиятни мерос тариқасида олган ҳукмдорда табааларни хўрлашга сабаблар ва зарурат камроқ бўлади ва башарти, унинг нафрат туғдирувчи ҳаддан ошган нуқсонлари борлиги пайқалмаса, у фуқароларнинг меҳр-муҳаббатидан қонуний йўсинда фойдаланаверади. Ҳар қандай ислоҳот янги ислоҳотларга йўл очиб берган бир маҳалда азалий ва маврусий бошқарув қачонлардир бўлиб ўтган эски тўнтаришлар ва уларни келтириб чиқарган сабабларни унутишга мажбур қилади.

***(Давоми бор)***

■ **Русчадан Алимқул СУЛТОНОВ ва Барнобек ЭШПЎЛАТОВ таржимаси**

3

Меҳр



Шавкат АКРАМОВ олган сурат

# ЎЗИГА ХОС БЕЛЛАШУВ

Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, спорт соҳасига қизиқтириш, ўғил болаларни ҳарбий хизматга тайёрлаш мақсадида Фарғона шаҳрида авиамоделизм спорт техника тури бўйича республика ўқувчи-ёшлари ўртасида чемпионат ўтказилди. Ўзига хос спорт мусобақасида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳридан ўқувчилар қатнашдилар.

Беллашув қатнашчилари маҳоратларини олий тоифадаги мутахассислардан иборат ҳакамлар ҳайъати баҳолаб бордилар. Республика миқёсидаги спорт беллашувида Самарқанд, Андижон ва Фарғона вилоятининг ёш спортчилари фахрли ўринларни эгаллашди. Ғолиблар Халқ таълими вазирлигининг Фахрий ёрлиқлари ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Юртнинг келажаги кўп жиҳатдан бугунги ёшларнинг кўнглида Ватан туйғуси нақадар устуворлиги, иймон-эътиқодларига боғлиқдир. Зеро, ўқувчилар ўртасида ўтказилган бу спорт байрамининг ўзига хослиги ҳам шундадир.

■ **Адолат ҚУДРАТОВА**

# АСР БОШИДА — ОЛМОНИЯДА

Асримизнинг сўнгги Оврўпа футбол чемпионати ҳам тарихга айланди. Аср боши чемпионати эса Португалияда бўлади. Шу кунларда Жанубий Корея билан Японияда ўзига хос усулда ташкиллаштирилган жаҳон футбол чемпионатига ҳозирлик кўрилмоқда. Халқаро футбол федерациясида эса 2006 йили ўтказиладиган жаҳон чемпионати мезбонлигига даъвогарлар ўртасида қуръа ташланди. Африка, Англия, Франция, АҚШ, Германия каби давлатлар даъвогар эдилар. Маросимда Африка битта овоз кам олди. Германия эса 11 овоз билан жаҳон чемпионатини ўтказиб бериш ҳуқуқини қўлга киритди.

■ **Жўрабек РАҲМАТУЛЛАЕВ**

## У ШУНДАЙ ДЕДИ

**НОЗИК ТАНБЕҲ**

*Атоқли композитор ва пианиночи Ференц Листдан бир хоним киноя аралаш сўраб қолди:*

*— Маэстро, айтинг-чи, шу ростми, машҳур бўлиш учун пианиночи бўлиб туғилиш керакмиш-а?*

*Лист бироз ҳайратланиб турди ва деди:*

*— Шубҳасиз, хоним. Туғилмаганлар пианино чалмайди!*

**СПАРТАКЧИЛАР ФИКРИ**

*Филипп Македонский Херон остонасида спартакчиларни мағлубиятга учратиб, ғалаба нашидасидан димоғи шишиб, подшоҳ Архиламнинг нафсониятига тегувчи мактуб йўллади.*

*Спартакчилар Филиппнинг мактубига қисқа, лўнда, икки энлик хат жўнатишди.*

*— Эй шоҳ! Соянгни яна бир қаричлаб ўлча. Кўрдингми, ғалабангдан ҳатто бир энлик узаймабди!*

**ҚОНУН — ҚОНУНДА**

*Қадимги машҳур грек сиёсатдони ва нотиқ Ликургнинг саъй-ҳаракати билан Элевсияда бўладиган диний байрам тантаналарига маҳаллий аёлларнинг қўш отли извошда боришини тақиқловчи махсус қонун чиқарилди.*

*Буни қарангки, ушбу қонунни биринчи бўлиб бузган аёл ҳам Ликургнинг хотини бўлди.*

*Воқеани нотиқ шундай изоҳлади:*

*— Қонун — қонунда. Уни менми, уми буздими — жазога лойиқ!*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИГА ҚАРАШЛИ ТРАВМАТОЛОГИЯ ВА ОРТОПЕДИЯ ИЛМИЙ ТЕКШИРИШ ИНСТИТУТИ**

**14.00.22 — «Травматология ва ортопедия» ихтисоси бўйича аспирантурага (кундузги) 2000-2003 ўқув йиллари учун — 1 ўрин ва клиник ординатурага 2000-2002 ўқув йиллари учун — 4 ўринга**

**ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

*Ҳужжатлар 2000 йилнинг 10 июлидан 10 августигача (30 кун) қабул қилинади.*

Манзилгоҳимиз: Тошкент шаҳри, Мусахонов кўчаси, 78-уй.
Телефонлар: 133-72-01, 133-12-35, 133-10-30

*Хитойда ишлаб чиқарилган ун тегирмонлари, ёғ ва гуруч жувозлари, маккажўхори ширин қаламчалари тайёрланадиган*

**ДАСТГОҲЛАР**

сотилади.
**Телефон: 22-24-74**

**БОШ МУҲАРРИР**
Азим СУЮН

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ**
*Абдулла ОРИПОВ*
*Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ*
*Қозоқбой ЙЎЛДОШЕВ*
*Ислом ШОҒУЛОМОВ*
*Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)*
*Алимқул СУЛТОНОВ (бош муҳаррир ўринбосари)*
*Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)*
*Бахтиёр ҲАМИДОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)*
*Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)*

**МУАССИС:**
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

**БЎЛИМЛАР:**
*Сиёсат — 133-44-55*
*Иқтисодиёт — 133-76-04*
*Маънавият — 133-07-20*
*Хатлар ва оммавий ишлар — 133-12-56, 136-55-16*
*Ахборот — 133-12-56*
*Котибият — 133-21-43*
*Реклама ва эълонлар 133-47-80, 133-38-55,*
*Факс — 133-73-43, 133-06-83*

**ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:**
*Андижонда — 25-16-16;*
*Бухорода — 23-51-40;*
*Гулистонда — 25-16-22;*
*Жиззахда — 3-29-44;*
*Навоийда — 3-39-20;*
*Наманганда — 6-43-43;*
*Нукусда — 222-70-12;*
*Самарқандда — 35-20-54;*
*Тошкентда — 136-53-16;*
*Урганчда — 226-51-35;*
*Фарғонада — 26-46-84;*
*Қаршида — 4-61-35;*
*Термизда — 3-79-98.*

**МАНЗИЛИМИЗ:**
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи
*Сулаймон Ҳайдаров*

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Саҳифаловчи-дастурчи
*Бахтиёр Жуманов*

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили:
*Буюк Турон кўчаси, 41-уй.*

Рўйхатдан ўтиш тартиби
№ 00004
Газета офсет усулида, А—2 форматида босилди.
*Ҳажми 2 босма табоқ.*

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
Г — 602

*Топшириш вақти -- 21.00.*
*Топширилди* -- 24.20
1 2 3 4 5 6

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА